

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

АХМЕДЖАНОВА ЗУЛЬФИЯ ИСМАИЛОВНА

**ОИВ/ОИТС ИНФЕКЦИЯСИДА ИММУНИТЕТ АЙРИМ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲОЛАТИ ВА АЛЛЕРГИК
РЕАКТИВЛИКНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

14.00.36. – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Ахмеджанова Зульфия Исмаиловна

ОИВ/ОИТС инфекциясида иммунитет айрим кўрсаткичлари ҳолати ва
аллергик реактивликнинг ўзаро боғлиқлиги.....5

Ахмеджанова Зульфия Исмаиловна

Взаимосвязь некоторых иммунологических параметров и
аллергореактивности при ВИЧ/СПИД27

Akhmedjanova Zulfiya Ismailovna

Relations between some parameters of immunity and allergic
reactivity in HIV/AIDS.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

АХМЕДЖАНОВА ЗУЛЬФИЯ ИСМАИЛОВНА

**ОИВ/ОИТС ИНФЕКЦИЯСИДА ИММУНИТЕТ АЙРИМ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲОЛАТИ ВА АЛЛЕРГИК
РЕАКТИВЛИКНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

14.00.36. – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида **30.09.2014/Б2014.5.Tib490** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика иммунология илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Залялиева Марьям Валиахмедовна
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Нуралиев Некаддам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Кахрамон Холдарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Гулямов Нариман Гулямович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи
ташкилот:**

Кубан давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc27.06.2017.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Республика иммунология илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.С.Камалов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.А.Исмаилова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д.

Кириш (докторлик (DSc) диссертациси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ОИВ/ОИТС пандемиясига қарши олиб борилаётган кураш чора-тадбирлар мажмуасига қарамасдан касаллик ривожланиб бормоқда. 1999-2005 йилларда ОИВ эпидемияси гиёхванд моддаларни томир ичига қабул қилувчи шахслар ҳисобига ўсди, лекин 2005 йилдан бошлаб ОИВ инфекциясининг жинсий йўл орқали юқиши фаоллашуви оқибатида оналар ва болалар ўртасида касалланганлар кўпайди. ОИВ/ОИТС – ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламларини қамраб олмоқда. Бугунги кунга ОИВ билан камида 36,7 миллион одам зарарланган.

ОИВ инфекцияси ривожланиб бориши жараёнида кўшилиб борадиган оппортунистик касалликлар меҳнат қobiliятининг йўқолишига ва ногиронликка олиб келади. ОИВ инфекциясида замбуруғлар, сил микобактериялари антигенлари аллергия реакциялар пайдо бўлишида катта роль ўйнайди. Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 1/3 қисми аллергия касалликлар билан касалланган, бу эса катта ижтимоий ва иқтисодий муаммолар келтириб чиқаради. Амалиётга татбиқ этилган антиретровирусли даволаш бошланғич даврларда етарли самара бермаган бўлсада кейинчалик жорий этилган юқори фаол антиретровирусли дори воситалари ОИВ инфекцияли беморларда ўз самарасини кўрсатди, беморлар яшаш сифатини яхшилади ва умрини узайтирди. Йиллар ўтган сари ОИВ инфекциясининг тарқалиши антиретровирусли терапиянинг самараси, унинг ножуж таъсирлари, хусусан аллергия реакциялари ва шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб бораверади. Юзага келган ҳолат ОИВ инфекциясига қарши чора-тадбирларни кучайтиришни ва унинг оқибатлари олдини олишни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ўзгатирилди, кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича салмоқли натижалар олинди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида амалий соғлиқни сақлаш билан бир қаторда, ОИВ/ОИТС олдини олиш ҳам юқори даражага кўтарилди. Шулар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Улар орасида ОИВ инфекциясининг клиник-эпидемиологик ҳолатларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш ҳам муҳимдир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегиясида «аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш» белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ОИВ инфекциясини кўпайишининг олдини олиш, касалланиш даражасини камайитириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-353-сонли «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига нисбатан курашиш тўғрисида»ги, 2008 йил 26 декабрдаги ПҚ-1023-сонли «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига

қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

ОИВ инфекциясида иммунитет ҳолати ва аллергик реактивликнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Centers for Disease Control and Prevention (АҚШ), Division of Clinical Immunology and Allergy, University of Naples Federico II (Италия), Department of Molecular Virology, Faculty of Medicine, The Hebrew University (Jerusalem), Institut Curie and Institut National de la Sante at de la Recherche Medicale (Франция), Laboratory of Immunology, University Clinic for Infectious Disease M, Rigshospitalet (Дания), Department of Medical Microbiology and University of Liverpool (Буюк Британия), Initiative for Vaccine Research (Швейцария), Институт иммунологии (Россия Федерацияси), Пастер номидаги Санкт-Петербург эпидемиология ва микробиология илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси), РФА цитология ва генетика институти (Россия Федерацияси), ва Республика ОИТСга қарши кураш маркази (Ўзбекистон Республикаси), Вирусология илмий текшириш институтида (Ўзбекистон Республикаси), Республика иммунология илмий марказида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Жаҳонда ОИВ инфекцияси ва ушбу инфекцияда аллергозларни даволаш ва олдини олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган: ОИВ инфекцияли беморларда дори воситаларига аллергозлар ОИВ инфекцияси йўқ беморларга нисбатан кўпроқ кузатилиши аниқланган (Division of Clinical Immunology and Allergy, University of Naples Federico II, Италия); ОИВ инфекцияли беморларда Th1- ва Th2-цитокинларининг дисбаланси ва HIV-1 gp120 нинг базофиллардан гистамин ва ИЛ-4 ва ИЛ-13 ларни ажралишини стимуллаши аниқланган (Department of Molecular Virology, Faculty of Medicine, The Hebrew University of Jerusalem); ИЛ-4, ИЛ-5 ва ИЛ-13 лар орқали ҳосил бўлувчи Th2-иммун жавоб атопик касалликлар патогенезида ҳал қилувчи бўғин эканлиги исботланган (Department of Molecular Virology, Faculty of Medicine, The Hebrew University of Jerusalem); цитокинлар орқали Th2-типи иммунологик яллиғланиш IgE ни ҳосил бўлиши учун сигнал бўлиши аниқланган (Laboratory of Immunology,

University Clinic for Infectious Disease M, Rigshospitalet, Copenhagen, Denmark).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ОИВ инфекцияда клиник-эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш, профилактика самарадорлигини ошириш бўйича жаҳон миқёсида катор жумладан қуйидаги йўналишларда устувор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда: шахсларда ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, даволашни тактикасини бошлаш, ҳамда РВҚ-препаратларга резистентликнинг шаклланиш хавфини камайтириш, ОИВ билан зарарланганлар умрини узайтириш ва сифатини оширишга қаратилган РВҚД тактикасини танлашга бўлган ёндошувларни такомиллаштириш, иммун тизимда кечадиган ўзгаришларни аниқлаш, профилактика чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, янги патогенетик асосланган даволаш ва ташхислаш усулларни ишлаб чиқаришга қаратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ОИВ инфекцияси билан камида 60 миллион одамнинг зарарланганлиги, уларнинг кўпчилигида оғир касалликлар ва ўлим ҳолатига олиб келувчи орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)нинг ривожланиши муаммонинг глобаллигидан далолатдир (Ostrowski et al., 2006). ОИВ инфекцияси сурункали виремия ва CD4 лимфоцитлар сони ва фаолиятининг пасайиши билан тавсифланади (Kaufmann et al., 2003). ОИВ инфекциясининг ривожланиши одам иммун тизимида сурункали ўзгаришларга олиб келади ва IgEга нисбатан антитаначаларни кўпайтиради. Th1 цитокинлар ишлаб чиқаради, бу эса CTLs нинг кўпайишига олиб келади. ОИВ инфекциясида иммунитет В-тизимни баҳолашнинг асосий йўналишларидан бири қон зардобиди G, М, А, Е иммуноглобулинлари миқдоринини аниқлашдир (ЗАО «Вектор-Бест», Новосибирск, Россия).

Ҳозирги вақтда ОИВ инфекциясининг бирламчи кўринишларидан бири аллергия реакциялар бўлиши аниқланган, бу касалликнинг симптомсиз босқичида ОИВ инфекциясига нисбатан тошмалар пайдо бўлишидир (70%) (Хаитов Р.М. ва ҳаммуалифлар, 2000).

Th2 цитокин синтезининг, ҳамда интерлейкин 4 (IL-4) ва IgE ОИВ-1 инфекциясида ошиши ОИВ-1 оқсилларига нисбатан аллергия реакциясидан далолат бериши мумкин. ОИВ-1 одам иммун тизимига икки йўналишли хужумга эга: бу Th2, макрофаглар зарарланиши ва ОИВнинг gp120 оқсилнинг аллергия чақиришидир (Becker et al., 2004). ОИВнинг узок давом этувчи персистенциясида CD4 ва CD8 лимфоцитлар субпопуляциясида теломерларнинг критик қисқариши натижасида вирус антигенларга нисбатан тўғри жавоб реакцияси йўқолиши касаллик кечишининг оғирлашишига олиб келади. (РФА цитология ва генетика институти. Новосибирск, Россия). ОИВ инфекцияли беморларда CD4 лимфоцитлар миқдорининг камайиб бориш жараёнида шартли-патоген микроорганизмлар келтириб чиқарган тери ва шиллиқ қаватларнинг касалликлари кузатилади. ОИВ антигенлари, ҳамда ёндош касалликлар ва ачитқисимон замбуруғларнинг маннопротеинлари IgE антитаначалари

индукциясига олиб келади, оқибатда уларнинг антигенига жадаллашган гиперсезувчанлик шаклланади. Кандида турига хос замбуруғларнинг асосий таъсир механизми иммун тизим фаолияти кўрсаткичларига таъсиридир (КГМУ, Казань, Россия).

Ўзбекистон Республикасида, ва бошқа мамлакатларда кандидоз ОИВ инфекциясида энг кўп учрайдиган оппортунистик микозлардан бири эканлиги аниқланган, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ОИВнинг кейинги босқичларига ўтиши ҳақида далолат беради (Покровский В.И., 2000; Залялиева М.В., 2005; Даминов Т.А., 2010, Саидалиев С.С. ва ҳаммуалифлар, 2014). Замбуруғларнинг кўп турлари микоген аллергия келтириб чиқаради, бундай аллергия деб маълум бир замбуруғлар аллергенлари билан алоқадан кейин пайдо бўладиган аллергиялар назарда тутилади (Новиков П.Д. ва ҳаммуалифлар, 2004). ОИВ инфекцияли беморларда сил касаллиги энг кўп учрайдиган оппортунистик касаллиги ҳисобланади ва ОИВ силнинг клиник кечишларини ўзгартиради. ОИВ позитив ва сил инфекцияси билан касалланган беморлар кўпгина ҳолатларда бошқа ОИВ ассоциацияланган касалликлар билан касалланиши ўлим ҳолатларига олиб келади. (Покровский В.В., 2003; Атабеков Н.С., 2010; Хазова Е.Ю., 2012).

ОИВ инфекциясида иммун системасида кечадиган ўзгаришлар ва инфекцион синдром кўпроқ ўрганилган, аллергологик синдром эса камроқ ўрганилган. ОИВ инфекциясининг иммунобиологик патогенезида аллергологик жиҳатлари, айниқса АРВТ фонида кам ўрганилган. ОИВ инфекцияли беморларда микроэлементлар статусини инобатга олган ҳолда, ёндош касалликлар, аллергологик реактивликни аниқлаш бўйича тадқиқотлар жуда камдир. Шунинг учун Ўзбекистонда Республикасида ОИВ/ОИТС инфекциясининг тарқалганлигини ва клиник хусусиятларини аниқлаш муаммоси долзарб ва амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика иммунология илмий маркази илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ФА-ФЗ-Т159 «ОИВ инфекциясининг турли босқичларида юзага келадиган аллергозлардаги биологик эффектлар, ОИТС индикаторли касалликлар ва уларнинг касаллик ривожланишидаги роли» мавзусидаги лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОИВ/ОИТС инфекцияси турли босқичларида аллергологик реактивлик, иммунологик кўрсаткичлар ва микроэлементлар таркиби ўзгаришларининг мажмуавий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ/ОИТС инфекцияси жараёнида оппортунистик, ёндош касалликлар, тарқалганлиги ва учраш даражасини аниқлаш;

ОИВ/ОИТС инфекцияли беморларда касалликнинг турли босқичларида аллергиянинг клиник кўринишлари ва аллергенларга нисбатан гиперсезувчанликни аниқлаш;

ОИВ/ОИТС инфекцияси турли босқичларида *Candida albicans*га нисбатан сенсibiliзация ва антителолар даражасини аниқлаш;

ОИВ/ОИТС инфекцияси турли босқичларида туберкулинга нисбатан гиперсезувчанлик хусусиятларини аниқлаш;

ОИВ/ОИТС инфекцияли беморлар ёндош касалликларида CD4 лимфоцитлар миқдорида нисбатан IgE даражасини аниқлаш;

ОИВ/ОИТС инфекцияси турли босқичларида гистамин миқдорини аниқлаш;

ОИВ/ОИТС инфекцияли беморлар сочида макро- микроэлементлар миқдорини аниқлаш;

CD4 лимфоцитлар абсолют сони ва макро-микроэлементлар миқдори билан ўзаро корреляцион таҳлиллаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 628 нафар ОИВ/ОИТС инфекцияли беморларва 60 амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предметини иммунологик тадқиқотлар учун ОИВ инфекцияли беморлар вена қони ва зардоб, макро-микроэлементлар миқдорини аниқлаш учун соч олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, иммунологик, аллергологик, микробиологик, нейтрон-активация ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги куйдагиларидан иборат:

илк бор ОИВ/ОИТС инфекцияси турли босқичларида аллергик касаллик структураси аниқланган;

ОИВ инфекцияси ривожланиш жарёнида беморларда тез ва секин ривожланувчи гиперсезувчанлик баҳоланган ва *Candida albicans*, туберкулинга нисбатан сенсibiliзациянинг ўрни аниқланган;

ОИВ инфекцияси турли босқичларида гистамин миқдорининг ортиши исботланган;

ОИВ инфекцияли беморларда макро- ва микроэлементлар миқдори CD4 лимфоцитлар абсолют сонига нисбатан аниқланган;

ОИВ инфекцияли беморларда дори воситаларига аллергия ҳолатида IgE танқислиги аниқланган;

ОИВ/ОИТС касаллиги ривожланишида макро- микроэлементлар, CD4 лимфоцитлар орасидаги корреляцион боғлиқлик динамикаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйдагилардан иборат:

ОИВ инфекциясида аллергозлар клиник кўринишларини дифференцирлаш ва ўз вақтида коррегирлаш имконияти асосланган;

Candida albicans нисбатан ҳосил бўлган сенсibiliзация ОИВ/ОИТС инфекциясининг бир босқичдан бошқа босқичга ўтишидаги башоратлаш маркери эканлиги аниқланган, ўз вақтида тўғри коррегирлаш имкониятини асосланган;

туберкулинга нисбатан анергия Манту тери синамаси орқали ОИВ инфекцияли беморларда сил касаллигини таҳдiслаш мумкин эмаслиги исботланган;

IgE иммунтанқислиги дори воситаларига, шунингдек антиретровирус давога ҳам аллергия реакция мезони эканлиги аниқланган;

макро ва микроэлементлар баланси касалликни эрта босқичларида бузилиши сув-туз алмашинуви ва антиоксидант тизимни ўз вақтида коррегирлаш зарурлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОИВ/ОИТС инфекциясида оппортунистик ва ёндош касалликларда аллергиялар ривожланишидаги дориларга нисбатан аллергияга мойиллик, IgE га нисбатан танқислик ва клиник-эпидемиологик аҳамиятини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. *Candida albicans*га сенсibiliзация ва туберкулинга анергия ҳолатининг ривожланиш механизмларини аниқлаш ОИВ инфекциясида иммунтанқислик ривожланиши жараёнининг муҳим бўғини эканлиги кўрсатилган.

ОИВ/ОИТС инфекцияси клиник кечиши ва аллергия реактивликнинг намоён бўлиши хусусиятларини аниқлаш ташхислаш ва даволашнинг оптимал вариантини танлашга замин яратган. ОИВ инфекциясида антиретровирус терапияни қўллаш, оппортунистик касалликларни ўз вақтида башоратлаш, дориларга нисбатан аллергияга мойилликни аниқлаш орқали керакли даволаш чора-тадбирларини ўзқазиб касаллар ҳаёт сифатини оширади. Ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми ОИВ/ОИТС инфекцияли касалларни эрта ташхислашга ва даволаш услубларини танлашга, уларнинг ҳаёт давомийлигини оширишга, ногиронликни камайтиришга имкон яратиш орқали жамиятга ижтимоий ва иқтисодий зарарни камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ОИВ/ОИТС инфекцияси кечиши, иммунитет айрим кўрсаткичлари ҳолати ва аллергия реактивликнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича олинган натижалар асосида:

ОИВ/ОИТС инфекцияси кечиши ташхиси, клиникаси, даволаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «ОИВ/ОИТС касалликнинг турли босқичида хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 31 декабрдаги № ВН-д/39-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ОИВ/ОИТС инфекциясини эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислаш ва даволашнинг оптимал вариантини танлашга имконият яратди;

ОИВ/ОИТС инфекциясини ташҳислаш ва даволаш тактикаси алгоритми, уларнинг шифохонагача бўлган даврда эрта ташҳислаш ва ОИВ/ОИТС инфекция беморларни даволашни оптималлаштириш чоратадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан Республика ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази ҳамда Республика иммунология илмий маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 31 декабрдаги № ВН-д/39-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ОИВ/ОИТС инфекцияли шахсларни ташҳислаш, даволаш, парвариш қилиш ва қўллаб қувватлаш муаммоларини оптималлаштиришда кенг фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 15 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, шулардан 1 монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган журналларда 13 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 164 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ОИВ- инфекцияси, унинг алергик реактивлик ва микроэлементлар билан боғлиқлиги**» деб номланган биринчи боби ОИВ/ОИТС, алергозлар муаммолари, реакинли антитаначалар (IgE), гистамин, микроэлементларнинг аҳамияти бўйича адабиётлардаги замонавий маълумотлар таҳлилига бағишланган.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияси билан касалланган беморлар тавсифи ва қўлланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобида Республика ва шаҳар ОИТСга қарши кураш марказида ҳисобда турувчи ОИВ инфекцияли 628 нафар беморларга жинси, ёшига нисбатан умумий таъриф берилган. ОИВ инфекцияси ташҳиси ИФА, иммуноблот, ПЗР усулларида қўйилган. CD4 лимфоцитларининг миқдори республика

ОИТСга қарши кураш маркази қошидаги лабораторияда спектрофлюориметрда аниқланган (лаб.мудир Исаева Г.Н., дир. д.м.н., проф. Атабеков Н.С.)

Текширилган беморлар CD4 лимфоцитларининг абсолют сонига нисбатан уч гуруҳга бўлинган (1 гуруҳ - $CD4 > 500$ кл/мкл, 2 гуруҳ - $CD4 - 200 - 499$ кл/мкл, 3 гуруҳ - $CD4 < 200$ кл/мкл).

Илмий ишни бажаришда қўйидаги иммунологик таҳлиллар қўлланилган: IgA, M, G ни аниқлаш (Манчини), кандидага нисбатан антитаначалар ИФА (ф-ма «Вектор Вест»). Аллергологик усуллар чанг, замбуруғлар, маиший ва овқат аллергенлар тўпламига скарификацион синамаларни ўз ичига олади. (МЧЖ НПЦ «Тибиёт иммунологияси» (Москва) ва НИК МикроВита, туберкулин («СПб вакцина ва зардоб ИТИ), IgE ни аниқлаш ИФА усулида (МЧЖ «Хема-Медика»), гистамин (С.А. Мещярикова усули) спектрофлюориметр - F96 да (LTD Хитой) (ТМА МИТЛ катта илмий ходими Комарин А.С.) Candida alb.ни аниқлашга қаратилган микробиологик текширувлар ЭМЮКИТИ (паразитлар иммунологияси лабораторияси т.ф.д Осипова С.О.) да ўтказилган. Сочлардаги микроэлементлар нейтрон-активацион усулда (Ядро физикаси институти, к.ф.н. Данилова Е.А.) аниқланган. Илмий иш материалларининг статистик таҳлили РС IBMда ўтказилган. MSExcel. 2002, Statistica 6.0].

Диссертациянинг «**ОИВ/ОИТС касаллигининг турли босқичларида ОИВ-инфекцияли беморларда айрим оппортунистик ва ёндош касаликларни аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида ОИВ/ОИТСда беморларда кузатиладиган оппортунистик ва қўшимча касалликларнинг тарқалганлиги ва учраш тезлиги кўрсатилган.

Бизнинг маълумотларимизга асосан ОИВ/ОИТСда: сурункали гепатит (16,7% иккинчи давр, 63,2% учинчи давр, 69,7% тўртинчи даврдаги беморларда, сурункали бронхит (25% иккинчи давр, 28,9% учинчи давр, 28,9% беморларда кузатилган, сил (8,3% иккинчи давр, 10,5% учинчи давр, 39,5% тўртинчи даврдаги), кандидоз (25%, 60,5%, 55,3%), аллергик кўринишлар (18,8%, 40,6%, 40,6%), неврологик (7,9%; 44,7%), реактив ва шахсий хавфсирашнинг 1,5 ва 1,2 марта соғлом шахсларга нисбатан, стрессга нисбатан паст тўрғунлик 86% ҳолатларда кузатилди.

Шундай қилиб, оппортунистик касалликлар пайдо бўлишига юқори мойиллик бўлиши, доимий вирусли, бактерияли, замбуруғли антигенлар билан таъсирланишини ҳисобга олиб ОИВ инфекцияли беморларда инфекцион-аллергик фон ривожланиши тўғрисида гапириш мумкин.

Тери ва шиллиқ қаватлар, нафас йўли, ошқозон ичак тизимининг шикастланиши аллергозлар ривожланишининг омилларидан биридир.

ОИВ инфекциясида аллергозларнинг белгилари, бактериялар, замбуруғли патогенларнинг, АРТнинг беморлар аллергик реактивлигига таъсири адабиётларда жуда кам келтирилган ва улар касалликнинг давларига нисбатан ўрганилмаган.

Диссертациянинг «ОИВ-инфекцияли беморларда аллергологик тадқиқотлар» деб номланган туртинчи бобида 100 нафар (64 аёл ва 36 эркак) ОИВ инфекцияли беморларда секин ривожланувчи гиперсезувчанлик реакцияларини аниқлашга бағишланган. Анамнез йиғиш ва кўрик натижасида ОИВ инфекцияли беморларнинг 29,9 % да касалликнинг эрта даврларидан бошлаб аллергик касалликлар кузатилган. Аллергик касалликлар структурасида ОИВ инфекцияли беморларнинг 29% - қичитқи, 17% -аллергик бронхит, 15% аллергик ринит, 13%-дориларга аллергия, 11%-аллергодерматит, 7% овқатга аллергия, 8%- поллиноз, 1% БА кузатилди. АРТ бошланганидан бошлаб дори аллергияси ҳолатлари кўп кузатила бошлади.

Хамма текширилган беморларга чанг, майший, овқат, замбуруғли сочи, (кунгабоқар ва ўтларнинг чанги, момоқаймоқ, мол гўшти, сигир сути, товук тухуми, буғдой уни, гуруч ёрмаси, лимон, кутубхона чанги, хонадон чанги, ёстиқ пар пати, одам сочи, ит,мушук, суварак)антигенларига нисбатан скарификацион усулда синамалар ўтказилди.

Касалликнинг биринчи ва иккинчи даврларидаги беморларда Тез ривожланувчи гиперсезувчанлик интенсивлиги умумий популяция-дагилардан фарқи бўлмади.

Учинчи клиник даврдаги беморларда гиперсезувчанликнинг манфий натижасидан тортиб ўта ижобий натижаларигача кенг чегарали кўрсатилчи натижалар олинди. 33.3% беморларда синамалар манфий натижаларни кўрсатди. 44.4%беморларда ўртача ва 22.2% беморларда ёрқин намоён бўлди.

Кандида замбуруғига нисбатан юқори реакциялар кузатилди. 33.3% беморларда кучли, 22.2% -кучсиз ижобий ва битта ҳолатда ўртача реакция кузатилди. Кандиданинг ОИВ инфекциясининг ривожланишининг омили эканлиги хисобга олган ҳолда, бу беморларда касалликнинг тез ривожланишини кутиш мумкин.

Касалликнинг тўртинчи клиник даврида IgЕнинг юқори кўрсаткичларга секин ривожланувчи гиперсезувчанликнингпайдо бўлиши пастроқ бўлди, бу CD4 лимфоцитларининг 1 мкл да 200дан пасайиши натижасидадир. Майший чанг аллергенларига нисбатан таҳлил натижалари хамма майший аллергенларга паст сезувчанликни, ит терисига кучсиз манфий, 2 хлатда мушук терисига, 2 – кутубхона чангига ва 1 ҳолатда хонадон чангига, ёстиқ пар патига ва одам сочига мусбат натижани кўрсатди.

ОИТС индикаторли касалликлар орасида ОИВ инфекцияли беморлар орасида ўлим ҳолатига кўп олиб келувчи касалликлардан бири сил касаллигидир. (DreenR.A. etal., 2004; Губкин М.Ф. и др., 2007).

ОИВ инфекцияли 100 нафар беморлар (эркаклар 27%, аёллар 63%, назорат гуруҳи- 20 нафар соғлом шахслар, таққослаш гуруҳи-25 нафар сил касаллиги билан касалланган беморлар)да туберкулин синамаси ўтказилди.

Туберкулин синамаси 8 та (40%)соғлом шахсларда мусбат натижани берди, 3 (15%)нафарида анергик реакция, 9(45%) нафарида кучсиз мусбат. Таққослаш гуруҳида хамма сил билан касалланган беморларда мусбат

натижа кузатилди.ОИВ инфекцияли 92.5% беморларда туберкулинга нисбатан манфий натижа қайд этилди, 7.5% беморларда мусбат натижа олинди.

Мусбат натижали икки бемор хаёти давомида олдин сил билан касалланган. Туберкулинга мусбат натижа касалликнинг биринчи даврида 2%, иккинчи даврида -1%, учинчи ва тўртинчи давридадаги ҳамма беморларда анергик реакция кузатилди. Касалликнинг учинчи ва тўртинчи клиник давридаги 2 нафар беморда CD4 лимфоцитларининг миқдори 1 мкл қон зардобиди 263 ва 364 хужайрани, биринчи клиник давридаги 2 та кучли реакцияли беморда 933 ва 663 ни ташкил этди.

Хозирги вақтда туберкулинга тери синамалари ягона *in vivo* қўлланиладиган тестлар бўлиб, улар кейинчалик беморларга ташхис қўйилишида қабул қилинишида ахборот беради.

ОИВ инфекцияли беморларда гиперсезувчанликнинг ахамиятини баҳолашнинг ўз хусусиятлари бор. Манту синамалари асосида ОИВ инфекцияли беморларни сил касаллигига нисбатан ҳолатини баҳолаш мумкин эмас, чунки CD4 лимфоцитлар сонининг пасайиши туберкулинга нисбатан анергик реакция билан тўғри корреляцияланади ва бу ҳолат адабиётлардаги маълумотлар билан тасдиқланади.(WV. Raszka, 1999; Becker Y,2004).

ОИВ инфекцияли беморларда кандидознинг клиник кўринишлари ҳар хил бўлиб, оғиз ичи кандидози кўпроқ учрайди. Кандида аллергенига тез ривожланувчи гиперсезувчанлик 18.5% иккинчи, 25.6% учинчи ва 28.5% тўртинчи клиник даврдаги беморларда мусбат натижа бериб I тип кандиаллергия ривожланишидан далолат беради. Яъни ОИВ инфекцияли беморларда касалликнинг белгиларсиз давридаёқ, ҳали кандидознинг клиник белгилари пайдо бўлмасдан реакция мусбат натижани берган. Candida аллергени билан ўтказилган тери синамаси ОИВ инфекциясида кандидознинг ҳар хил клиник белгилари пайдо бўлишининг кўрсаткичи бўлиб, касалликнинг бир даврдан кейинги даврга ўтишини кўрсатади, демак прогностик ахамиятга эга экан.

Candida albicans патогенининг ичак шиллиқ қаватидан қонга миграцияси имундепрессив ҳолатларида кандидоз ривожланишининг асосий механизми деб қаралади. (Залялиева М.В., Агзамова Л.С., Осипова С.О., 2005).

Касалликнинг ҳар хил давларида ичак микрофлорасини ўрганиш кандидида замбуруғини касалликнинг белгиларсиз даврида 30%, иккиламчи касалликлар қўшилган даврида 70.8%, ва ОИТС даврида 90% беморларда аниқланишини кўрсатди. Ҳамма беморлар экмаларида қатта кўрсаткичларда асосан C. Albicans аниқланди. Кандида замбуруғига нисбатан антитаначаларнинг пайдо бўлиши, C.albicans-га нисбатан хўжайин иммунитетини томонидан яхши индикаторидир.ОИВ инфекцияли беморларни кандидида антигенига нисбатан пайдо бўлган антитаначаларга текшириш касалликнинг ҳамма давларида IgG синфига мансуб антитаначаларнинг пайдо бўлганлиги кўрсатди. Касалликнинг белгиларсиз даврида кандидида антигенига IgG антитаначалари диагностик титрда 34,1% беморларда аниқланди. Паст титрларда 13,6% ва манфий

натижа 52,3% беморларда қайд этилди. Касалликнинг иккиламчи клиник даврлар қўшилган даврларида диагностик титрларда 54.1%, паст титрларда 10,8% ва манфий натижа 35.1% беморларда аниқланди. ОИТС даврида 80,0% беморларда диагностик титрларда, 1 та (10.0%) беморда паст титрда ва 1 та (10.0%) беморда манфий натижани берди. ОИВ инфекциясининг ҳамма даврларида касалликнинг ривожланиш жараёнида кандида антигенига нисбатан IgG антитаначаларининг титри IgG ва IgE гиперпродукцияси фонида ўсиб боради ва бу кандидознинг хар хил клиник кўринишлари билан намоён бўлади.

Шундай қилиб, ОИВ инфекцияли беморларда касалликнинг бошланғич даврларидаёқ аллергия реактивликнинг бузилишлари пайдо бўлиб, улар аллергия касалликларнинг кўринишларини беради. ОИВ инфекциясининг ривожланиш жараёнида хар хил табиатли аллергияларга сенсбилизациянинг сони ва даражаси ўзгариб боради. Чангли аллергияларга нисбатан поливалент сенсбилизациянинг ортиб бориши билан биргаликда, тери синамалари ва гиперэргик реакциялар интенсивлигининг пасайиши, кандидага тери синамалари мусбат натижаларининг ортиши кузатилди. Манту синамаси натижаларига асосан ОИВ инфекцияли беморларни сил касаллигига диагностик мақсадда баҳолаш мумкин эмас.

Диссертациянинг «**Турли ёндош касалликлар билан ассоцирланган ОИВ/ОИТС касаликларида IgE миқдори**» деб номланган бешинчи бобида ОИВ инфекцияли 118 нафар беморларда IgE миқдорининг натижаларини ўрганишга бағишланган. ОИВ инфекцияли беморлар умумий гуруҳида IgE миқдори ўртача кўрсаткичлари ўртача $161,97 \pm 22,4$ МЕ/мл ни ташкил этиб, бу назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишонарли даражада юқори эканлигини кўрсатди. Шу қайд этиш лозимки, ОИВ инфекцияли беморларда IgE индивидуал кўрсаткичларининг кенг чегаралибўлиб 0 дан 999 МЕ/мкл бўлиши мумкинлиги аниқланди.

ОИВ инфекцияли хар хил беморлар гуруҳларида IgE ўртача кўрсаткичларини таққослаш шуни кўрсатдики, IgEнинг энг юқори кўрсаткичлари CD4 лимфоцитларининг миқдори 1 мклда 200 хужайрадан кам беморларда кузатилди, 1 ва 2 гуруҳ беморларида IgE миқдори бир хил даражада кўтарилган бўлиб, лекин беморлар индивидуал кўрсаткичларининг чегаралари кенг бўлганлиги натижасида касалликнинг хар хил даврларидаги фарқлар ишонарли даражада бўлмади.

IgE умумий миқдорининг юқори даражаси ОИВ антигенларининг касаллик ривожланишида сенсбилизациялаштирувчи таъсири эканлигини ва патогенез аллергия (аутоаллергия) жараён эканлигини кўрсатади.

ОИВ инфекцияли CD4 лимфоцитлар сонига қараб бўлинган 1 гуруҳ беморларда IgE миқдорининг кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан паст 46,2%, юқори 53,8% эканлиги аниқланди. Иккинчи гуруҳ ОИВ инфекцияли беморларда назорат гуруҳига нисбатан 35% паст, 65% юқори бўлди. Учинчи гуруҳ ОИВ инфекцияли беморларда назорат гуруҳи нисбатан паст 46,7%, юқори 53,3% қайд этилди.

Шундай қилиб, IgE умумий миқдорининг кўтарилиши, касалликнинг ҳамма клиник даврларида ОИВ антигенларига сенсibilизацияни характерловчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин ва бу адабиётдаги маълумотлар билан тўғри келади. (Залялиева М.В., 2004, 2005 гг.; Becker Y, 2004).

ОИВ инфекциясининг ривожланиш жараёнида тез ва секин ривожланувчи гиперсезувчанлик кўрсаткичларида қонуний ўзгаришлар кузатилади. Аллергик касалликлар ривожланган ҳар хил гуруҳ ва касалликнинг ҳар хил даврларидаги ОИВ инфекцияли беморларда IgE миқдори солиштира таққослаш шуни кўрсатдики, IgE миқдорининг юқори кўрсаткичлари СД4 лимфоцитларининг миқдори 500 хужайра/мкл ли беморларда, паст кўрсаткичлари касалликнинг охириги даврларидаги беморларда кузатилади экан.

ОИВ инфекцияли беморларда тез ва секин ривожланувчи гиперсезувчанликни ўрганиш бўйича олиб борилган текшириш натижалари тез ривожланувчи гиперсезувчанлик хаттоки тўртинчи клиник даврдаги беморларда замбуруғлар антигенига аниқланса, секин ривожланувчи гиперсезувчанлик эса касалликнинг белгиларсиз давридан бошлаб пасайиб борар экан. IgE паст кўрсаткичли беморларда антиретровирусли препаратларга (невирапин, эфавренз) қичитқи ва Квинке шиши кўринидаги аллергик реакциялар кузатилди.


ОИВ инфекциясининг ривожланиш жараёнида Т-хелперларнинг Th2-типи томонига силжиши рўй беради. Th1-тип цитокинларининг даражаси касалликнинг белгиларсиз давридаёқ пасайиб, Th2-типидаги цитокинлар даражаси кўтарилади. Th2-тип цитокинларининг ортиқча пролиферацияси гуморал имуните активлашишига ва вирусга нисбатан хужайравий цитотоксик жавобнинг пасайишига олиб келади. Аллергозларда базофиллар орқали ИЛ-4 ва ИЛ-13 нинг синтез ва секрецияси индукцияланади, бу IgE нинг ошишига олиб келади.

ОИВ инфекцияли беморлар организмида иммунологик адаптациянинг мураккаб механизмларида бактериал ва вирусли антигенларга нисбатан аллергик реакцияларнинг ўрни катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ОИВ инфекцияси гепатитлар билан бирга кечганида IgE кўрсаткичлари ўрганилди. Сурункали гепатитли ОИВ инфекцияли беморларда IgE миқдори ўртача $165,8 \pm 36,3$ МЕ/мл ($p < 0,001$) ташкил этиб, беморлар индивидуал кўрсаткичларининг чегараси 1 дан 999 МЕ/мл гача кузатилди. IgEнинг энг кўп концентрацияси касалликнинг белгиларсиз даврида (77,3%), пастроқ концентрацияларда иккиламчи касалликлар кўшилган ва ОИТС даврида (42,8%) беморларда кузатилди.

Бактериал инфекцияларнинг IgE миқдорининг динамикасига таъсири сурункали бронхит (СБ) ва сил касаллиги (ТБС) билан касалланган беморларда ўрганилди. Сурункали бронхитли ОИВ инфекцияли беморларда IgE нинг миқдори ўртача $158,3 \pm 59,2$ МЕ/мл ($p < 0,001$)ни ташкил этди. ТБС ли ОИВ инфекцияли беморларда IgE нинг миқдори ўртача $141,3 \pm 53,9$ МЕ/мл

($p < 0,001$) ташкил этди. Клиник белгиларсиз беморларда IgE нинг ўртача миқдори $124,3 \pm 26,7$ МЕ/мл бўлиб, назорат гуруҳидаги беморлар кўрсаткичидан ($55,7 \pm 9,0, p < 0,001$) юқори, лекин бошқа қўшимча касалликлари бор беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан паст эканлиги аниқланди.

Текширилган беморларда IgE миқдорининг солиштира таққосланиши аллергия касалликлари бор беморларда энг юқори, сўнгра сурункали гепатитли, сўнгра ТБС беморларда кузаилиши аниқланди. (расм.1).



1-расм. Хар хил қўшимча касалликлари бор ОИВ инфекцияли беморларда IgE миқдори кўрсаткичлари.

Олинган натижалар тахлили IgE миқдори аллергия кўринишлари намоён бўлган беморлар гуруҳларида юқори кўрсаткичларда эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат аллергия кўринишларда аллергия реакциялар IgEга боғлиқ механизм устунлигини, шу билан биргаликда умумий IgEнинг қўшимча касалликлар билан кечганда (СГ,СБ,ТБС)да ва ОИВ инфекцияли беморларда қўшимча касалликларсиз кечганда ҳам ошиши юқорида кўрсатилган патологик ҳолатларда IgE га боғлиқ жараёнлар кечишидан далолат беради.

Бу ОИВ инфекциясида Th1- Th2 лимфоцитлари дисбалансининг бузилиши оқибатида цитокинлар ва бошқа биологик актив моддалар ажралишининг бузилишига, натижада хар хил касалликларда юзага келадиган биологик жараёнларнинг олиб келади ва кўп даражали бўлиб генетик, гормонал, цитокинли ва бошқа омиллардан иборатдир.

Текширилаётган беморларда бир йилдан сўнг мониторинг олиб борилганда IgE миқдори юқори бўлган ОИВ инфекцияли беморларда IgE миқдори паст кўрсаткичда бўлган беморлар гуруҳига нисбатан кўринарли даражада пасайиши кузатилди. Бу IgE нинг ОИВ инфекцияли беморларда касаллик оғирлиги билан корреляцияланишидан далолат беради.

Шундай қилиб, олиб борилган текшириш натижалари IgE миқдорининг ОИВ инфекцияли беморларда ўсишини кўрсатди. Шу билан биргаликда

бактериал, вирусли қўшимча касалликлар (аллергозлар, СГ, СБ, ТБС) кўшилганда IgE концентрацияси юқори эканлиги аниқланди.

Шуни қайд этиш лозимки, айрим ОИВ инфекцияли беморларда иккиламчи клиник белгилар ва қўшимча касалликлар бўлишига қарамасдан IgE нинг миқдори назорат кўрсаткичидан паст эди. Бу IgE нинг кам миқдорда пайдо бўлишининг генетик мойиллиги туфайли эҳтимоли бор.

АРТ фонидаги аллергия реакция ҳолатида аниқланган IgE нинг танқислиги АРТни антигистамин терапия билан бирга буюрилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг «**ОИВ инфекцияли беморларда гистамин миқдорини аниқлаш**» деб номланган олтинчи бобида ОИВ инфекцияли беморларда гистаминнинг миқдорини аниқлашга бағишланган. ОИВ инфекцияли 64 нафар беморларда гистаминнинг миқдори ўрганилди. ОИВ инфекцияли беморлар умумий гуруҳида гистаминнинг миқдори CD4 лимфоцитлар сонидан қатъий назар назорат кўрсаткичидан юқори бўлиб ($0,33 \pm 0,001$ мкмоль/л), ўртача кўрсаткичлари $1,29 \pm 0,04$ мкмоль/л ни, индивидуал кўрсаткичлар чегараси 0,78 до 2,215 мкмоль/л ташкил этди

Гистамин кўрсаткичларини CD4 лимфоцитлари миқдорига нисбатан таққосланганда ҳамма текширув гуруҳидаги беморларда унинг сезиларли даражада кўтарилганлиги қайд этилди. CD4 лимфоцитларининг миқдори 500 хужайра/мкл дан ортиқ беморлар гуруҳида унинг миқдори юқори кўрсаткичларда аниқланганлиги эътиборни тортади.

ОИВ инфекциясидаги мураккаб иммунологик жавоб реакцияларида тез ва секин ривожланувчи гиперсезувчанлик аллергия реакцияларининг ахамияти каттадир. Эҳтимол, айнан шу реакциялар иммунтанқислик кўринишларининг ҳозиргача ноаниқ механизмларини тушунтириб беради.

Аллергия касалликлари мавжуд ОИВ инфекцияли беморларда касалликнинг клиник давридан қатъий назар гистаминнинг миқдори назорат кўрсаткичидан ишонарли даражада юқори бўлиб ўртача $1,22 \pm 0,01$ мкмоль/л ($p < 0,001$) ни ташкил этди. Гистаминнинг энг юқори кўрсаткичлари CD4 лимфоцитларининг миқдори 500 хужайра/мкл дан ортиқ беморларда аниқланди, лекин унинг миқдори индивидуал кўрсаткичларнинг кенг чегаралиги, яъни 0,78 мкмоль/л дан 1,675 мкмоль/л гача бўлганлиги сабабли касалликнинг клиник даврларига нисбатан фарқланмади.

Таққослаш мақсадида ОИВ инфекцияли қўшимча бактериал (СБ), вирусли (СГ) касалликлар мавжуд беморларда гистаминнинг миқдори аниқланди. Қўшимча СБ бор ОИВ инфекцияли беморлар гуруҳида гистаминнинг миқдори $1,17 \pm 0,06$ мкмоль/л ($p < 0,001$), СГ ли беморлар гуруҳида $1,27 \pm 0,07$ мкмоль/л ($p < 0,001$) ташкил этди. СГ ли ОИВ инфекцияли беморларда гистаминнинг миқдори CD4 лимфоцитларининг миқдорига нисбатан таққосланганда ҳамма гуруҳ беморларида унинг 4 мартадан ортиқ кўтарилганлиги аниқланди, лекин унинг энг юқори кўрсаткичлари CD4 лимфоцитларининг миқдори 200 хужайрадан/мкл кам бўлган беморларда аниқланди.

Кўшимча СГ ли беморларда гистамин миқдорининг юқорилигининг аниқланиши, ОИВ, ҳамда гепатит вирусларининг гистаминнинг кўтарилишига бўлган таъсиридан далолатдир. Иммун жавобда иштирок этувчи ҳар хил хужайраларда гистамин учун рецепторларнинг мавжудлиги, бу медиатор қатнашувчи кўп қиррали жараёнларнинг мавжудлиги гистаминни нафақат ОИВ инфекцияси, балким гепатитларда ҳар хил патологик реакцияларда ахамиятга эга бўлган омил деб қарашимизга сабаб бўлади.

Гистаминнинг ҳар хил кўшимча касалликлари қўшилган ОИВ инфекцияли беморларда CD4 лимфоцитларининг миқдorigа нисбатан ўрганилганда, ҳамма гуруҳ беморларида CD4 лимфоцитларининг миқдори ва касалликларнинг туридан қатъий назар кўтарилгани қайд этилди (Жадвал 1).

1-жадвал.

ОИВ инфекцияси кўшимча касалликлар билан кечганда гистаминнинг қиёсий миқдори

ОИВ инфекцияли беморлар гуруҳлари	ОИВ инф. Умумий гуруҳи	Аллергик касалликлар	СБ	СГ	Назорат
гистамин	1,29±0,04*** мкмоль/л	1,22±0,01*** мкмоль/л	1,17 ± 0,06*** мкмоль/л	1,27 ±0,07*** мкмоль/л	0,33±0,001 мкмоль/л

Изоҳ: * – P<0,05; ** – P<0,01; *** – P<0,01.

Гистаминнинг энг юқори кўрсаткичлари ОИВ инфекцияси СГ билан биргаликда кечганида қайд этилди.

Шундай қилиб, текшириш натижалари ОИВ инфекцияли беморларда гистаминнинг активлашиши организм биринчи навбатда одам иммунитет танқислиги вируси билан сенсibiliзация натижасида (чунки гистамин миқдорининг кўтарилиши касалликнинг белгиларсиз давридаёқ юзага келади) юзага келади деб тахмин қилиш имконини беради, ундан ташқари оппортунистик касалликларнинг қўзғатувчиларига ҳам сенсibiliзацияланади.

Эхтимол, ОИВ инфекциясида гистаминнинг ажралиши гомеостазни бир маромда ушлаб туриш, нерв ўтказувчанлиги ва микроциркуляцияни бошқаришдаги организмнинг умумий биологик реакциясидир. Гистаминергик тизимнинг иши, унинг вазифасини бошлашига тўртки бўлувчи, организмнинг индивидуал генетик ва ҳар хил муҳит омилларига боғлиқ.

Диссертациянинг «ОИВ/ОИТС касалигида баъзи макро- ва микроэлементлар миқдорининг ўзгариши» деб номланган етинчи бобида ОИВ инфекцияли беморлар сочида айрим макро ва микроэлементлар миқдорини ўрганишга бағишланган. 26 элемент аниқланган. Cl, Ca, K нинг

миқдори CD4 лимфоцитлар сонига нисбатан бўлинган ҳамма гурух беморларида ишончли даражада камайганлиги аниқланди. ОИВ инфекцияли беморлар умумий гурухида К ($138,1 \pm 14,8$ мкг/г) ($P < 0,01$) бўлиб 2.7 марта, биринчи гурух беморларида эса 6 марта камайганлиги қайд этилди. С1 нинг миқдори учала гурух беморларида камайиб, унинг энг кўп, 2 баробар камайганлиги ОИТС давридаги беморларда кузатилди. Са нинг 2 марта камайиши биринчи ва учинчи, кўтарилиши иккинчи, На 76% ОИВ инфекцияли беморларида аниқланиб, энг кўп пасайиши учинчи гурух беморларда кузатилди ($264,6 \pm 80,4$) ($P < 0,01$).

ОИВ инфекцияли беморларда калийнинг натрийга нисбати таҳлил қилинганда назоратга нисбатан 2 марта кўпайганлиги аниқланди. Бу нисбатнинг энг кўп бузилишлари СД4 лимфоцитларининг 500хужайра/мкл дан кўп миқдорда бўлганида кузатилиб, бу касалликнинг бошланғич давларидаёқ метаболизмнинг яққол ўзгаришлари юзага келганлигидан далолатдир.

ОИВ инфекциясининг ривожланиш жараёнида, К/На нисбати иккинчи ва учинчи гурух беморларида кўтарилганлиги аниқланди. ОИВ инфекцияли беморлар сочида К/Са ва К/С1 нисбатининг 2 марта пасайиши аниқланди, кучли пасайиши касалликнинг бошланғич ва кўтарилиши охири давларида қайд этилди.

